



## САМАРҚАНД САММИТИ ОЛДИДАН

# ТАРИХИЙ МАНЗИЛДА ЯНГИ ДУНЁ НАФАСИ

Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг шу йил сентябрь ойида бўлиб ўтган саммитидан сўнг яна бир нуфузли халқаро тадбирга мезбонлик қилиши кутилмоқда. Яқинда Самарқанд шаҳрида Туркий давлатлар ташкилоти саммити ўтказилади. Бу ташкилотнинг тўққизинчи саммити бўлиб, унда тузилмага раислик Ўзбекистонга ўтади.

Мазкур саммит Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ)нинг илк йиғилиши сифатида тарихда қолади. Чунки бунгача тузилма Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши номи билан фаолият юритган бўлиб, ўтган йили Истанбул шаҳрида ўтказилган саммитда ташкилот макomini олган эди.

Ташкилот тарихига назар солсак, 2009 йил 3 октябрда Озарбайжонда Нахичеван битими имзоланган ва бу ҳужжат ТДТнинг фаолият йўналишларини белгилаб берувчи йўналиш сифатида хизмат қилмоқда.

Ундан олдин эса туркий тилли давлатларнинг олий даражадаги тузилмаси мавжуд бўлиб, унинг илк тадбири 1992 йил 30 октябрда Туркия Президенти Тургут Ўзол ташаббуси билан Анкарада ўтказилган эди. Кейинги саммитлар Истанбул (1994), Бишкек (1994), Тошкент (1996), Остона (1998), Боку (2000), Истанбул (2001), Анталия (2006), Нахичеван (2009) шаҳарларида ўтказилди.

▶ Давоми 2-бетда



## ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ХАЁТДА ВА НАЗОРATДА

# ТАБИАТ ВА АТРОФ-МУҲИТ ТОЗАЛИГИНИ АСРАШГА ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Табиат, замин сўзига “Она” сўзини қўшиб айтишимиз бежиз эмас. Чунки ҳар қандай бола она бағрида эркин ўсиб улғайгани каби, инсоният ҳаёти ҳам шу она замин, табиат қўйнида кечади. Табиатни онамиздек эъзозлашимиз, севишимиз зарур.

Табиат неъматларидан оқилона фойдаланиш, уларни қўз қорачигидек асраб-авайлаш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз. Айтиш жоизки, Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида экология ва атроф-муҳит муҳофазасига давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилиб, тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш, инсон ва табиат ўртасидаги мукамал муносабатларни тартибга солиш дунё миқёсидаги глобал масалалардан бири ҳисобланади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги маърузасида таъкидлаганидек, давримизнинг ўткир муаммоларидан бири глобал иқлим ўзгаришларидир. Бугунги кунда ҳар бир мамлакат бу жараённинг салбий таъсирини ҳис эътипти. Минг афсуски, бундай ўзгаришлар Марказий Осиё тараққиётига ҳам катта хавф туғдирмоқда.

Дарҳақиқат, инсоният олдида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатга оқилона муносабатда бўлиш, унинг бойликларини келажак авлодга бус-бутун етказишдек катта масъулият турибди.

Хусусан, жонажон Ўзбекистонимиз табиатини асраш, атроф-муҳит тозаллигини сақлаш ҳар бир ватандошимиз, энг асосийси, шу соҳада фаолият юритаётган барча мутахассисларнинг масъулияти ва ижро интизомига бевосита боғлиқ.

▶ Давоми 3-бетда

## ЁШЛАР — МАМЛАКАТ КЕЛАЖАГИ



МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ВИДЕОЛАВҲАГА ЎТИНГ.

# МИЛЛИЙ КАДРЛАРНИНГ ЯНГИ АВЛОДИ

## Уларнинг мақсади ҳам, орзуси ҳам баланд

Янги Уйғониш даврини юрт тараққиётининг фаол иштирокчиси, инновацион гояларнинг дадил ташаббускори, миллатимизнинг том маънодаги “олтин фонди” бунёд этади. Мамлакатимизда таълимга берилётган эътибор натижаси ўлароқ, юртимиз ва дунё миқёсидаги олимпиадаларда голиб бўлиб, ўқишни муваффақиятли давом эттираётган иқтидорли йигит-қизлар билан суҳбатлашсангиз, улардаги юрт равнақида дахлдорлик ҳиссидан қувонасиз. Бу ёшлар ўқиш, изланиш йўлида дадил одимламоқда.

Давлатимиз раҳбари 2020 йил Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Халқимиз шунинг яхши билиши керак: олдимизда узок ва машаққатли йўл турибди. Барчамиз жипслашиб, тинимсиз ўқиб-ўргансак, ишимизни мукамал ва унумли бажарсак, замонавий билимларни эгаллаб, ўзимизни аямасдан олдинга интилсак, албатта, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради”, деган эди.

Миллий кадрларнинг янги авлодини тайёрлаш энг устувор вазифаси саналган “Янги Ўзбекистон” университетига ана шундай интилувчан, юрт қорига ярашни катта бурч ва шараф деб билган иқтидорли талабалар тахсил олмоқда. Уларнинг муваффақият формуласи, бугунги орзу-ўйлари билан танишамиз.

▶ Давоми 5-бетда

## ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

# КЛАСТЕР —

Фарғона вилоятида пахта толасидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган қўшилган қиймат занжирини яратиш бўйича ўзига хос тажриба тўпланяпти. Шу билан бирга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш имкониятлари кенгаймоқда.

Қўштепа ва Учкўприк туманларида фаолият кўрсатаётган “Fergana global textile” МЧЖ пахта тўқимачилик кластери бу борада янги ташаббус ва лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этмоқда. Ўтган йиллар давомида кластер ва фермер хўжаликлари иш фаолиятини тизимли йўлга қўйиш, фермерлар манфаатини ҳимоя қилиш, ҳосилдорликни ошириш, соҳага илғор иш тажрибаларини олиб киришга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, 2021 йилда 42 минг тонна қимматбаҳо саноат хомашёси териб олинган бўлса, жорий йилда умумий ҳосилдорлик миқдори 45 минг тоннани ташкил этди.



# ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАРГА ЙЎЛ ОЧАДИ

Бундан ташқари, бир неча йиллардан бери фойдаланилмаётган ва самарасиз ерларнинг 400 гектари ўзлаштирилиб, Исроил давлатининг “Netafim” корхонаси технологияси асосида томчилатиб суғориш тизими

жорий этилди. Натижада барча иш жараёнларини бир жойдан бошқариш имконияти яратилиб, шу вақтга қадар нари борса, 10-15 центнердан ҳосил олинаётган ерлардан 40-45 центнергача “оқ олтин” йиғиб олинапти. Сув ва

бошқа ресурслар миқдори 45-50 фоизга тежалмоқда. Келаси мавсумда эса 1700 гектар майдонда ана шундай самарали усулдан фойдаланилади.

▶ Давоми 2-бетда

## ИСЛОХОТЛАР АМАЛДА

# ЭЗГУ ТАШАББУС САРҲИСОБИ

## Ҳоким ёрдамчиларининг қарийб бир йиллик фаолиятига назар

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади инсон манфаатини ҳимоя қилиш, унинг қадри ва қаддини кўтаришдир. Бинобарин, бугунги кунгача ушбу эзгу мақсадга қаратилган кўплаб лойиҳалар амалиётга киритилди, янгидан-янги ташаббус ва гоялар юзага чиқарилди. Уларнинг аксарияти бевосита Президентимиз томонидан илгари сурилгани янада таҳсинга лойиқ. Чунки мана шу омилнинг ўзи одамларнинг дарду ташвиши, уларни қийнаётган муаммолар шахсан давлатимиз раҳбари эътиборида, назоратида эканини англатади.

▶ Давоми 4-бетда

## НУҚТАИ НАЗАР

# ХОМАШЁ СОТИБ БОЙИБ БЎЛМАЙДИ

## Энди тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган экспортчи ютади



▶ 4-бетга қаранг.

## САМАРҚАНД САММИТИ ОЛДИДАН

## ТАРИХИЙ МАНЗИЛДА ЯНГИ ДУНЁ НАФАСИ



**Абдулазиз РАСУЛЕВ,**  
Адлия вазирлиги хузуридаги  
Хуқуқий сийёсат тадқиқот институти  
директори ўринбосари,  
юридик фанлар доктори, профессор

Сўнги йилларда Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик кўлами кенгайиб, ўзаро манфаатли алоқалар ривожланмоқда. Дастлабки босқичларда маданий-гуманитар шерикликни фаоллаштиришга асосий аҳамият берилган бўлса, ҳозирги кунга келиб савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, трансконтинентал транзит йўлақларини ривожлантириш масалалари биринчи ўринга чиқмоқда.

Тарихий қардошлиқ ришталари, умумий тил, маданият ва анъаналар Туркий давлатлар ташкилотига аъзо давлатлари ҳамкорлиги пойдеворидир. Бу йўналишда ҳар йили умумий маданият ва адабиёт хазинасига беқиёс ҳисса қўшган алломалар ижодини кенг тарғиб этишга жиддий ургу бериб келинмоқда.

Ҳар йили қадимий ва бой маданий обидаларга эга шаҳарлар Туркий дунёнинг маданий пойтахти деб эълон қилиб келинмоқда. 2012 йилда Остона (Қозғистон), 2013 йилда Эскишеҳир (Туркия), 2014 йилда Қозон (Россия), 2015 йилда Марв (Туркманистон), 2016 йилда Шеки (Озарбайжон), 2017 йилда Туркистон (Қозғистон), 2018 йилда Костомону (Туркия), 2019 йилда Уш шаҳри (Қирғизистон) бу мақомга эга бўлди. 2020–2021 йилларда эса Хива шаҳри Туркий дунёнинг маданий пойтахти деб эълон қилинди.

Ҳозирги вақтда Туркий давлатлар ташкилотига доирасида Туркий университетлар иттифоқи фаолият кўрсатмоқда ҳамда ёшлар фестиваллари, туркий ёшлар оромгоҳи ва туркий давлатларнинг ёш дипломатлари учун курслар мунтазам ўтказиб келинмоқда. 2018 йилда Боку шаҳрида ташкилотга аъзо давлатлар талабаларининг биринчи спорт мусобақаси бўлиб ўтди. Жаҳон кўчманчилар уйлари унинг мунтазам ўтказилиши ҳам туркий тили халқлар ўртасидаги маданий-тарихий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Сўнги йилларда Туркий давлатлар ташкилотига доирасида савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорликда ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Хусусан, 2016 йилда ички-минтақавий савдо айланмаси 11,1 миллиард долларни ташкил этган бўлса, 2019 йилда 20,2 миллиард долларга, 2021 йилда 21 миллиард долларга етди. Шу билан бирга, Туркий давлатлар ташкилотига мамлакатларида саноатнинг йиллик ўсиши ўртача 8-12 фоизни, яъни ички маҳсулот тарихида саноатнинг улуши деярли 24 фоизни ташкил этади.

Ташкилотнинг мазкур соҳадаги яна бир устувор йўналишларидан бири — озиқ-овқат инқирозининг олдини олиш. Бунинг учун озиқ-овқат кооперациясини ривожлантириш, мамлакатлар агросаноат соҳасидаги салоҳиятидан фойдаланиш, қишлоқ хўжалигига инновацияларни жорий этиш, агро-кластерларни ривожлантириш, фермерларни қўллаб-қувватлаш лозим.

Ўтган йилги саммитда Президентимиз Шавкат Мирзиёев мазкур масалага алоҳида эътибор қаратиб, тадбиркорлар ўртасида тўғридан-тўғри ва ишончли алоқаларни ўрнатish учун қўлай шароитлар яратишни устувор вазифа сифатида қайд этган эди. Бу борада қўшма технопарклар, стартап инновация компаниялари ва венчур жамғармалар ташкил этиш, қўшма инвестиция фонди ва туркий давлатлар савдо уйлари биргаликда барпо этиш сингари ташаббуслар илгари сурилди.

Туркий давлатлар ҳамкорлигининг яна бир устувор йўналиши — энергетика соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш. Шу нуқтага назардан, аъзо мамлакатлар энергия салоҳиятини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга эга.

Транспорт йўлақларини ривожлантириш ва логистика инфратузилмасини яратиш бўйича қўшма



**ТАШКИЛОТ ШАФЕЛИГИДА ТУРК МАДАНИЯТИ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТИ ФАОЛИЯТ КўРСАТМОҚДА. У ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДАГИ МАДАНИЙ-ГУМАНИТАР АЛОҚАЛАРНИ ТИКЛАШ, ҚАРДОШ ХАЛҚЛАР УМУМИЙ МОДДИЙ ВА МАДАНИЙ МЕРОСИНИ КЕЛАЖАК АВЛОДЛАРГА БЕЗАВОЛ ЕТКАЗИШ, ИЖОД АҲЛИ ЎРТАСИДА ЎЗАРО ФАОЛ МУЛОҚОТНИ ЙўЛГА ҚўЙИШНИ АСОСИЙ МАҚСАД ҚИЛГАН.**

лойиҳаларни амалга ошириш туркий давлатлар маконидаги стратегик ҳамкорликнинг таркибий қисмларидан бири бўлиб, аъзо мамлакатлар манфаатлари учун алоҳида аҳамият касб этади. Транспорт логистикаси тармоқларини ривожлантириш минтақавий иқтисодий интеграцияни мустаҳкамлаш, иқтисодий рақобатдорлигини ошириш, барқарор ўсишни ва барча туркий давлатларнинг сарможавий жозибдорлигини таъминлашга жуда муҳим.

Туркий халқлар ўртасида туризمنى ривожлантириш долзарб масалалардан бири. Бу соҳада “Замонавий ипак йўли” махсус қўшма лойиҳаси ишга туширилган бўлиб, у ТДТга аъзо мамлакатларнинг маданий ва тарихий шаҳарларига 14 кунлик савҳатни ўз ичига олади. Ташкилот ёшларга савҳат қилиш, тенгдошлари билан учрашиш ва турли соҳаларда замонавий, истиқболли лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун янги имкониятлар яратиб келмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қўли билан қардош давлатлар ҳамда минтақавий ташкилотлар билан очик ва конструктив ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган ташкилот сийёсати Туркий давлатлар ташкилотига доирасидаги алоқалар мустаҳкамлашида хал қилувчи роль ўйнади. 2018 йил 3 сентябрда давлатимиз раҳбарининг Чўлпонота шаҳрида ўтказилган саммитида фахрий меҳмон сифатида иштироки бу борадаги тарихий қадам бўлди. 2019 йил 14 сентябрда Ўзбекистон Наҳичеван битимини ратификация қилиб, уша йили октябрда ташкилотга расман аъзо бўлди.

Ўзбекистон туркий халқлар тарихида асосий маданий марказлардан бири сифатида муҳим

ўрин эгаллайди. Шу сабабдан мамлакатимизнинг ТДТга аъзо бўлиши ташкилот нуфузини янада оширди. Бундан ташқари, Ўзбекистон аҳолиси сони бўйича Туркиядан кейин иккинчи йирк туркий тили давлат бўлиб, йиллик ўсиш суръати 5-7 фоизни ташкил этган ҳолда иқтисодий салоҳияти юксалиб бормоқда. Ўзбекистоннинг аҳолисининг унинг ўтган йиллар давомида амалга оширилган кўп томонлама дипломатияси фаоллашуви натижаси бўлди.

Бугунги кунда Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар Ўзбекистоннинг энг яқин савдо-иқтисодий ҳамкорларидан. Сўнги йилларда Ўзбекистоннинг ушбу давлатлар билан товар айирбошлаш ҳажми 2019 йилда 7,8 миллиард АҚШ долларга, 2021 йилда эса 9 миллиард АҚШ долларга ўсди. Натижада бугунги кунда мамлакатимиз ташқи савдо айланмасининг 18 фоиздан ортиги ушбу давлатлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистонда фаолият юритаётган хоржий капитал иштирокидаги барча корхоналарнинг қарийб 25 фоизи туркий давлатларга тегишли. Кейинги йилларда уларнинг сони қарийб 3 мингга етди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган йили Истанбулда бўлиб ўтган саммитда ташкилот доирасида ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган 30 дан ортиқ ташаббусни илгари сурган бўлиб, бугунги кунда уларнинг аксарияти амалга оширилди. Хусусан, транспорт ва боғхона соҳаси рақамлаштирилди, Ўзбекистон ва Туркия ўртасида “e-Permit” пилот лойиҳаси синодан ўтказилди ҳамда Ўзбекистон, Қозғистон ва Қирғизистон ўртасида “Рақамли ТИР” ва “Яшил йўлак” пилот лойиҳаси ишга туширилди.

Ўзбекистоннинг “Universal Logistics Services” (Тошкент), “Aktachi” (Андижон) ва “Termez Cargo Center” (Сурхондарё) логистика марказлари ташкилот аъзоларининг “қардош портлари” жараёнига қўшилди. 2021 йил июнь ойида Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар туризм вазирларининг олтинчи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда **Қўқон 2022 йилда Турк дунёсининг туристик пойтахти** деб эълон қилинди.

Ўзбекистон томони саноат кооперациясини қўллаб-қувватлаш ва турли иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишни рағбатлантирадиган Туркий инвестиция жамғармаси ва Тараққиёт банкини ташкил этиш ташаббусларини илгари сурди. Бундан ташқари, расмий Тошкент халқаро транспорт йўлақларини ривожлантириш, логистика тизимлари, чегара пунктлари орқали товарлар ва транспорт воситаларини олиб ўтиш жараёнини рақамлаштириш, экспорт маҳсулотни таннархидидаги транспорт ва бошқа харажатларни оптимлаштириш, товарларни етказиб бериш тезлигини оширишга аҳамият бермоқда.

Транспорт ва транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш туркий мамлакатларнинг умумий манфаатларига хизмат қилади. Тармоқланган ва яхлит транспорт тизими тўғрисида Туркий давлатлар ташкилотига Евроосий кўчмасидида асосий транспорт ва логистика коридорига айланиши мумкин. Бундай шароитда аъзо мамлакатларнинг трансминтақавий транспорт коридорларини ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга. Шу нуқтага назардан Ўзбекистон Марказий Осиёни Афғонистон орқали Жанубий Осиё ва Яқин Шарқ билан энг қисқа йўл воситасида боғлайдиган ва ушбу минтақалар давлатлари МДҲ ва Европага чиқиш имкониятини берувчи трансминтақавий лойиҳаларини қўллаб-қувватлайди.

Президентимиз йирк транспорт коммуникацияси лойиҳаларини амалга ошириш орқали Европа, Хитой ва Жанубий Осиё бозорларига чиқиш, Боку — Тбилиси — Қарс янги темир йўли салоҳиятидан унумли фойдаланиш зарурлигини ўтган саммитда таъкидлаган эди.

Ўзбекистон қисқа вақт ичида Туркий давлатлар ташкилотига доирасида маданий-гуманитар ҳамкорлик, бизнес, тиббиёт, туризм соҳаларида қатор муҳим ташаббусларни амалга оширишга муваффақ бўлди. Жумладан, коронавирус пандемиясига қарши кураш бўйича Туркий давлатлар ташкилотининг мувофиқлаштирувчи ишчи ва транспорт соҳасидаги ҳамкорлик гуруҳлари тузилди. Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан Туркий давлатлар ташкилотига доирасида Ёш тадбиркорлар форуми ташкил этилиши ва унинг биринчи йиғилиши Ўзбекистонда ўтказилиши ўз вақтида ва жуда самарали бўлди.

Алишер Навоий турк дунёси бирдамлиги ҳамда турк тилининг ривожини учун беқиёс ҳисса қўшган беназир шoir ва атоқли давлат арбобидир. Унинг ўлмас маънавий мероси, боқий ижодий хазинаси барча халқлар учун бирдек қимматли ва ҳар қанча ардоқлаб, тараннум этса арзийди. Шу маънода, тузилмининг ҳазрат Алишер Навоий номидаги муқоттаб таърис этилиши жуда ўринли бўлди.

Ўтган давр мобайнида Туркий давлатлар ташкилотига маконида ҳамкорликнинг ўзаро манфаатли механизмини йўлга қўйишнинг самарали тажрибаси шаклланди ҳамда долзарб масалалар юзасида янги ҳамкорлик соҳаларига эътибор қўйилмоқда.

Туркий давлатлар ташкилотининг кўҳна ва ҳамиша самқирон Самарқанд шаҳрида ўтказилган саммити ҳам Шанхай ҳамкорлик ташкилотига саммитида қулатилганидек, янада кўтаринки руҳда ташкил этилади ва унинг натижалари аъзо мамлакатлар фаровонлигига хизмат қилади.

## ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

## КЛАСТЕР

Бошланғичи 1-бетда

“Fergana global textile” МЧЖга қарашли пахта тўқимачилик кластери вилоятдаги бошқа турдош корхоналардан ўзига ҳос иш услуби, инвестициявий жозибдорлиги билан ажралиб туради. Кейинги тўрт йилда мазкур кластер савдо-иқтисодий билан 6500 нафардан зиёд аҳоли бандлиги таъминланди.



Фаолиятини Қўштепа туманидаги Марказий Фарғона ерларида жойлашган Солижонобод массивида ишлаб чиқариш қуввати 80 минг тонна пахта қайта ишлашга ихтисослаштирилган завод қуришдан бошлаган корхона бугун пахта етиштириш, бирламчи қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараёни қамраб олди. Айти кунларда Учқўприк туманида ҳам умумий қиймати 10 миллион АҚШ долларига бўлган замонавий пахта тозалаш заводи, “Қўқон” эркин иқтисодий саноат зонасида йиғирув-тикув ва бўёқ бериш

корхоналари қурилиши жадаллик билан олиб борилмоқда. Бу бир вақтнинг ўзида 1200 та янги иш ўрни яратиш имкониятини беради.

— Туманимизда шу пайтга қадар пахтани бирламчи қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш борасида бирор лойиҳа амалга оширилмаган, — дейди Учқўприк туман фермерлар кенгаши иш бошқарувчиси Ғайратжон Каримов. — Фаолиятимиз фақат хомашё етказиб бериувчи тармоқ сифатида баҳоланган, манфаатдорлик ҳам шунга яраша бўлган. Президентимиз ташаббуси билан пахтачиликда кластер тизимининг жорий этилгани деҳқонлар ва қишлоқ аҳолиси учун



## ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАРГА ЙўЛ ОЧАДИ

янги имкониятлар берди. Масалан, пахтани қайта ишлаш заводи қуриладиган Султонобод худуди туман марказидан 20 чакирим олдига. Ушбу лойиҳанинг ҳаётга жорий этилаётгани ана шу чекка қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлаш, замонавий инфратузилма тармоқлари қуриш имкониятини берди. Фақат хомашё эмас, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш йўлида амалга оширилаётган лойиҳалар аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, ҳудудлар ободлигига хизмат қилмоқда.

Пахта тўқимачилик кластери ташаббуси билан Қўштепа туманидаги “Нурафшон” кичик саноат зонасида қурилаётган “Global textile infinity” МЧЖга қарашли тўқимачилик корхонаси бир нечта лойиҳани қамраб олгани билан ажралиб туради. Бу ерда 18 миллион метр юқори сифатли мато ҳамда 2 минг тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи янги қувватлар ишга туширилиб, 3 мингта янги иш ўрни яратилди.

Йиллик экспорт ҳажми 65 миллион еврога тенг. Янги корхона маҳаллий пахта толасини тўлиқ қайта ишлаб, тайёр маҳсулотгача бўлган жараёни қамраб олади. Айти кунларда корхонанинг биринчи навбати — ип йиғирув цехини ишга тушириш борасида сўнги ишлар олиб борилди.

— Корхонамизга Швейцария, Италия ва Германия сингари мамлакатларда ишлаб чиқарилган рақамли технология ва жиҳозлар ўрнатилди, — дейди иш бошқарувчиси Муҳаммадғулум Каримов. — Бу хомашё етиштирувчилар манфаатдорлигини ошириш, бозорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятини беради.

Бу ерда касаначилик асосида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасида ҳам янги тизим жорий қилинган. Корхона базасида ўқув масканлари фаолиятини йўлга қўйиш асосида 1000 нафардан зиёд ишсиз ёш ва аёлнинг уй шароитида ишлаши



таъминланди. Яъни корхона аҳолига буюртма беради ва ишининг бажарилишини назорат қилиб боради. Ишлаб чиқаришга жорий этилган бу ҳаётбахш ислохотлар пахта толасининг умумий

экспортдаги улушини сезиларли даражада камайтиришда қўл келди.

— Дунё бозоридида рақобат жуда кучли. Шу боис, юқори сифатга эга маҳсулот тайёрлаш доимий эътиборимизда, — дейди “Fergana global textile” МЧЖ раҳбари Отабек Нишонов. — Жорий йилда умумий қиймати 85 миллион евро бўлган янги лойиҳаларни амалга ошириш борасида иш олиб бораётишимиз. Натижада 25 минг тонна аралаш калава ип, 18 миллион метр аралаш мато ва 10 миллион донна тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Маҳсулотларимизнинг асосий қисми Италия, Германия, Австрия, Польша, Туркия, Хитой каби давлатларга экспорт қилинмоқда.

Бир сўз билан айтганда, пахтачиликда кластер тизимининг йўлга қўйилиши одамларнинг ерга, ишга бўлган муносабатини ўзгартирди. Асосийси, хомашё етказиб бериувчи фермер тенг ҳуқуқлилик асосида меҳнатига яраша даромад олапти. Жойларда бирламчи хомашё қайта ишлаш орқали тайёр маҳсулот олаётган экспорт корхоналар сони кўпайиб бораётгани аҳоли бандлигини оширишга хизмат қилмоқда.

**Расулжон КАМОЛОВ,**  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ТАБИАТ ВА АТРОФ-МУҲИТ ТОЗАЛИГИНИ АСРАШГА ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ



Нарзулло ОБЛОМУРДОВ, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси

Бошланиши 1-бетда

Ижро интизоми — сифатли иш гарови

Ҳар қандай ташкилотнинг иш фаолияти самарадорлиги, аввало, ижро интизомига қатъий риоя қилиниши билан баҳоланади...

Шу маънода, Янги Ўзбекистонни бунёд этишнинг стратегик мақсад ва вазифаларини самарали амалга ошириш, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни таъминлаш учун замонавий бошқарув услубларини амалиётга жорий этишга алоҳида эътибор қаратилади...

Президентимизнинг 2021 йил 10 февралдаги "Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони бу йўналишдаги муҳим ҳужжат, дастуруламал бўлаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мазкур фармон асосида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва топшириқларни пухта иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказишни таъминлаш, ижросини самарали ташкил этиш ва мониторинг олиб боришнинг таъсирчан тизимини яратиш бўйича устувор вазифалар белгиланди...

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ҳам мазкур фармон ижросини таъминлаш юзасидан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда...

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ҳам мазкур фармон ижросини таъминлаш юзасидан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда...

Аҳамиятлиси, бугун кенг жамоатчилик экология ва атроф-муҳит масалаларига бефарқ эмас. Ерларнинг таназзулга учраши, сув ресурслари ва атмосфера ҳавосининг ифлосланиши, дарaxтлар кесилиши, чиқиндиларни белгиланмаган жойларга қолдириб кетиш каби ҳолатлар ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама-ларга сабаб бўлаётгани ҳам жамоатчиликда табиати асраб-авайлашга бўлган масъулиятнинг ошиб бораётганидан далолат беради.



Рақамли технологиялар жорий қилиниб, муаммолар тезкор бартараф этилмоқда

Бугун экологик назоратда рақамли технологияларнинг жорий этилиши муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш имконини яратмоқда...

Бундай ўзгаришлар тизимда меҳнат қилаётган ходимлардан фидоийлик билан ишлаш, ҳар бир инсоннинг фикрини тинглаш ва кўнун талаблари асосида фаолият юритиш, ижро интизомига белгиланган тартибда риоя қилишни таъминлаш...

Жумладан, 2022 йил 9 ойи мобайнида Давлат экология қўмитаси, ҳудудий бўлинмалар ва тизим ташкилотларида ҳужжатлар айланиши, ижро интизомига риоя этилиши юзасидан йўл қўйган камчиликларни учун 5 нафар ходимга нисбатан "ҳайфсан" интизомий жазо чораси қўлланилиб, 16 нафар ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинган...

Бундан ташқари, "arp.jro.uz" электрон ҳужжат алмашинуви тизими орқали ҳам самарали ишлар амалга оширилган. Бугунги кунга қадар ушбу тизим орқали қўмитага 335 та ҳужжат ва 1 минг 516 та топшириқ тушган бўлиб, шундан 1 минг 212 тасининг ижроси тўлиқ таъминланган, халқимизнинг талаби ҳам, тизим ташкилотларидан кутилаётган натижадорлик ҳам йилдан-йилга ўсиб бормоқда...

Бугунги давр шиддатга Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси самарали тизимда ишлашини таъминлаш, ўз навбатида, халқимизнинг талаби ҳам, тизим ташкилотларидан кутилаётган натижадорлик ҳам йилдан-йилга ўсиб бормоқда...

Давлат экология қўмитаси томонидан аҳоли мурожаатлари билан ишлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида жойларда 32 та сайёр қабул ўтказилиб, уларда жисмоний ва юридик шахсларнинг соҳага оид 148 та мурожаати аксарияти жойида ҳал этилди.

"Яшил макон" — эзгу лойиҳа

Сир эмаски, бугун бутун дунёда экология масаласига глобал муаммо сифатида эътибор қаратиляпти. Ҳақиқатан ҳам, янги тараққиёт даври кечаётган сайёримизда табиий муҳит барқарорлигини таъминлаш бутун инсоният зиммасида турган энг устувор масала ҳисобланади...

Мамлакатимизда ҳам экология ва атроф-муҳит барқарорлигини таъминлаш, яшил ҳудудларни кенгайтириш ҳамда дарaxтлар муҳофазасини самарали ташкил этиш мақсадида Президентимиз ташаббуси билан 2021 йилнинг кўзги мавсумидан "Яшил макон" умум-миллий лойиҳаси эълон қилинди.

Шунга асосан, ўтган йилнинг кўз мавсуми ва жорий йил баҳор ойларида юртимизнинг барча ҳудудларида меваги, манзарали дарaxт кўчатлари ва буталар экилди. Бу хайрли тадбирларда республикадаги вазирилик ва идоралар, ҳокимликлар, қорхона, ташкилот ва муассасалар фаол иштирок этиб, ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Айтиш жоизки, жорий йил 20 октябрдан 1 декабрга қуримизда кўчат экиш бўйича "Долзарб 40 кунлик" эълон қилинди. Ҳозирда маҳалла ҳудудлари,

автомобиль йўллари, ижтимоий соҳа объектлари, ташкилотлар ҳудуди ҳамда фермер ҳўжаликлари экин майдонларининг четларида кўкаламзорлаштириш ишлари қизгин амалга оширилмоқда.

"Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини сифатли ташкил этиш мақсадида Ўрмон ҳўжалиги ва Давлат экология қўмитаси, Қўшпоқ ҳўжалиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Транспорт вазирлиги ҳўзурдаги Автомобиль йўллари қўмитаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг дарaxт кўчатлари ва буталар экиш бўйича амалга оширадиган вазифалари тизимли равишда белгилаб берилгани бу борадаги ишларни самарали ташкил этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Албатта, бу хайрли тадбирлардан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизда экологик муҳит барқарорлигини таъминлаш, атмосфера ҳавосининг янада тоза бўлишига эришиш, асосийси, келажак

ЮРТИМИЗДА БОШЛАНГАН "ЯШИЛ МАКОН" УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИҲАСИ ХАЛҚАРО МИҚЁСДА ҲАМ КЕНГ ЭЪТИРОФ ЭТИЛМОҚДА. ЖУМЛАДАН, ЖОРИЙ ЙИЛ 22 ИЮНДА ДАВЛАТ ЭКОЛОГИЯ ҚЎМИТАСИ БМТНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТАРАҚҚИЁТ ДАСТУРИ ВА ЕВРОПА ИҚТИСОДИЙ КОМИССИЯСИ ТАШАББУСИ БИЛАН "ЯШИЛ МАКОН" ТАШАББУСИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАҚСАДИДА ИННОВАЦИОН МОЛИЯВИЙ ЕЧИМЛАР ВА РЕЖАЛАШТИРИШ ҚЎШМА ЛОЙИҲАСИНИ ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИШГА БАГИШЛАНГАН ҲАМКОРЛИК КЕЛИШУВИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲУҲЖАТ ИМЗОЛАНДИ.

авлод учун она табиатни бус-бутунлигича қолдиришдан иборат.

Маълумки, юртимизда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини амалга оширишда атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олиш, табиий иқлим мувозанатини сақлаш, кўчатларни сўғориш тизимини яратиш, уларнинг ҳисобини



чиқишлар дунё жамоатчилиги эътиборини ушбу муаммоларга қаратиш бораборида, атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ аниқ амалий ечимлар, экологик таҳдидларнинг олдини олиш юзасидан аниқ конструктив тақлифлар билдирилмоқда.

боғлиқ ишларни ташкил этиш тизимини ислоҳ қилиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисидаги 2022 йил 11 августдаги фармони билан аниқ йўналишда фаолият кўрсатиб келаятган тадбиркорлик субъектларига бир қатор имтиёзлар берилди.

Жумладан, 2026 йил 1 январгача чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиб кетиш, саралаш ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи тадбиркорлар учун фойда солиғи ва ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз этиб белгиланди. Бу эса тадбиркорлар ихтиёрида маълум миқдорда маблағ қолдирилишига ва уларнинг фаолиятини янада ривожлантиришига имкон яратди.

Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш борасида кўрсатилган хизматларни янада такомиллаштириш мақсадида жорий йил якунига қадар 68 та давлат-хусусий шериклик лойиҳаси амалга оширилиб, хусусий сертоннинг улуши 78 фоизга етказилди. Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари натижасида 1 минг 132 та қўшимча махсус техника жалб этилади, шунингдек, 69 та чиқинди қайта юклаш станцияси, 1 минг 83 та чиқинди йиғиш майдончаси қурилиб, 8 минг 33 та контейнер, 42 та саралаш ускунаси ҳамда 40 та қайта ишлаш ускунаси харид қилинади.

Янги миллий табиат боғлари ва қўриқхоналар

Юртимизда 2016 йилда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдони 2 миллион гектар атрофида ёки мамлакат ҳудудига нисбатан 4,64 фоизни ташкил этар эди. Бу борада амалга оширилган ишлар натижасида 2021 йилда кўрсаткич 3,75 миллион гектарга етказилди. Жорий йилда эса 8 та янги муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд ташкил этилиши тўғрисида қўриқхона 6,321 миллион гектарга ёки мамлакат ҳудудининг қарийб 14,1 фоизига етди.

Эътиборлиси, жорий йилда Навоий вилоятида умумий майдони 1,2 миллион гектар бўлган "Марказий Қўзилқум" миллий табиат боғи ва майдони 40 минг гектар бўлган "Октоғ-Томди" давлат қўриқхонаси ташкил қилиниши юртимизда йўқолиб бораётган ноёб ўсимликлар ва ҳайвонларни муҳофаза қилиш даражасининг янада ошишига имкон яратди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 мартдаги "Ўрмон фонди ерларида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш билан боғлиқ қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан Ўрмон ҳўжалиги давлат қўмитаси тизимига "Оролқум", "Поп", "Юқори Тўпалан", "Боботўғ" ва "Омонқўтон" миллий табиат боғлари ташкил этилиши тоғ ва тоғолди ҳудудларда ноёб ҳамда йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси турлари, шунингдек, ўрмон ресурсларини муҳофаза қилиш ҳамда тақдор қўлайтириш учун етарли шарт-шароит ярати беради.

Шу билан бирга, Ҳўкуматнинг 2022 йил 27 сентябрдаги 530-сон қарори билан Қўрақалпоғистон Республикасида 280 минг гектар майдонда "Борсакелим" давлат буюртма қўриқхонаси ташкил қилиниши натижасида чўл ҳудудидаги табиий мажмуалар ва ландшафтларни асраш, у ердаги ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсининг яшаш муҳитини янада яхшилашга замин яратилди.

Халқаро ҳамкорлик истиқболлари

Ўзбекистон кейинги йилларда минтака мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб экологик муаммолар, уларнинг оқибатлари ва ечимни тўғрисидаги масалалар юзасидан жаҳон ҳамжамиятининг нуфузли анжуманларида концептуал дастурларни илгари сўриб келмоқда. Бу борада БМТ минбари ва бошқа халқаро миқёсдаги йирик анжуманларда муҳим

дарaxтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармонига қўра, экология соҳасидаги ҳўқўқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида "Экоаэзор" электрон тизими ишга туширилди. Ушбу электрон тизим орқали экологик ҳўқўқбузарликларни бартараф этишда жамоатчилик иштирокини таъминлаш имконияти яратилиб, содир этилган ҳўқўқбузарликни тасдиқловчи фото ва видео далилларни юборган шахсларни ҳўқўқбузарлардан ундирилган жарима ҳисобига рағбатлантириш амалиёти жорий этилди.

Сўнги йилларда экологик ҳолатни яхшилаш, атроф-муҳит муҳофазасини самарали ташкил этиш ва унинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган муҳим ҳўжатлар қабул қилинди ва улар изчиллик билан ҳаётга таъбиқ этилмоқда.

Ушбу ҳўжатлар ижросини таъминлаш экологик муаммоларга қарши курашиш тизимини янги босқичга олиб чиқиш, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ жараённи самарали ташкил этиш ҳамда келгусида мамлакатимизда юз бериши мумкин бўлган жиддий экологик таҳдидларни йўл қўймайлик учун ўзига хос стратегик дастур вазифасини бажаради десак, муболага бўлмайд.

Оролбўйи минтақасида яшил тикланиш

Шу ўринда сўнги беш йилда Оролбўйи минтақасидаги экологик ҳолатни яхшилаш мақсадида денгизнинг қуриган тўбидан янги ўсимлик майдонлари яратиш, ҳудудларда иҳота дарaxтзорлари, "яшил боғлар" ва "яшил жамоат парклари" барпо этиш, тўпроқ қатламни шакллантириш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Буларнинг барчаси экологик масалалар мамлакатимиз ҳаётида нечоғлик катта аҳамият касб этаётгани, бу йўналишда самарали ишлар йўлга қўйлаётганининг яққол ифодасидир.

Ҳеч шўбҳасиз, Оролбўйи минтақасида экологик ҳолатни яхшилаш, ҳудуд аҳолиси учун муносиб турмуш шароитларини яратиш бугуннинг энг муҳим масалаларидан саналади. Шу ўринда жорий йил февраль ойда Давлат экология қўмитасида Корея Республикаси Глобал яшил ўсиш институтининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси расман очилганини Оролбўйи минтақаси масалалари илгини асосда ўрганилиб, тизимли равишда ҳал этилиши йўлида муҳим воқелик бўлди, дейиш мумкин.

Ушбу институт томонидан Орол денгизи таназзули салбий оқибатларини бартараф этиш мақсадида умумий қиймати 5,65 миллион долларга тенг ҳамкорликдаги лойиҳани амалга ошириш бўйича ишлар бошланди.

Бу каби амалиётга кенг жорий этилаётган ишлар замирида юртимизда олиб борилаётган халқчил ва оқилона сиёсат, тўғридан-тўғри муаммолар ечимига йўналтирилган норматив ҳўжатларнинг қабул қилингани асосий омил бўлмоқда.

Чиқиндилар масаласи — долзарб муаммо

Мамлакатимизда чиқиндилар билан боғлиқ масалалар долзарб муаммолардан бири саналади. Бу борада Президентимизнинг "Чиқиндилар билан

## ИСЛОҲОТЛАР АМАЛДА

# ЭЗГУ ТАШАББУС САРҲИСОБИ

## Ҳоким ёрдамчиларининг қарийб бир йиллик фаолиятига назар



**Мирзоҳид УБАЙДУЛЛОВ,**  
**Иқтисодий тараққиёт**  
**ва камбағалликни**  
**қисқартириш вазири**  
**ўринбосари — Маҳаллабай**  
**ишлаш ва тадбиркорликни**  
**ривожлантириш агентлиги**  
**директори**

Бошланиши 1-бетда

### Таклиф ортидаги олий мақсад

Одамларимиз азалдан меҳрибон ва оқибатли. Бир-бирига дом кўмак бериб келган. Ўзи удалла олмас, бошқаларни ёрдамга чақирган. Шу аснода, оила-лар, маҳаллалардаги муаммоларга ечим топилган. Давлатимиз раҳбари ташаббус билан ўтган йилги маҳаллаларда ҳоким ёрдамчиси лавозими жорий этилиши эса ана шу қадриятларни бир поғона юқори кўтарди, десак муболага эмас.

Айтиш жоизки, мазкур таклиф Президентимиз томонидан 2021 йилнинг 21 сентябрь кунги қорақалпоғистонлик сайловчилар билан учрашувида билдирилган эди.

“Энди бевосита қўйи бўғинда ижро-ни ташкил этиш учун тумандаги маҳал-лаларга бириктирилган ҳоким ёрдамчилар лавозимлари жорий этила-ди. Улар маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни

қисқартириш ва янги иш жойларни ташкил этиш бўйича тизимли ишларни амалга оширади.

Ушбу ёрдамчиларга маҳаллада оила-вий тадбиркорлик кредитларини бериш, лидер тадбиркорлар лойиҳаларини амалга оширишда қўмаклашиш, эҳтиёж-манд оилаларга субсидиялар ажратиш ва уларни жамоат ишларига жалб қи-лиш, ёшларни касбга ўқитиш бўйича мо-лявий инструментлар берилди”, дея таъкидлаган эди ўшанда давлатимиз раҳбари.

Мазкур ташаббус ижросини ўз вақтида таъминлаш, хусусан, аҳоли бандлигини ошириш ва тадбиркорликни ривожлан-тириши янги босқичга олиб чиқиш мақ-садида маҳаллаларда ҳоким ёрдамчиси лавозимини жорий этиш бўйича ўша йил-нинг декабрь ойида бир йўла учта ҳужжат, хусусан, Президентимизнинг 2021 йил 3 декабрда “Маҳаллада тадбиркорлик-ни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида”ги фармони, “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлан-тириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолияти-ни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғри-сида”ги ҳамда 2021 йил 24 декабрда “Иқтисодий тараққиёт ва камбағаллик-ни қисқартириш вазири ўринбосари Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғри-сида”ги қарорлари қабул қилинди.

Шундан сўнг ушбу йўналишдаги ишлар янада жадаллашди. Қорақал-поғистон Республикаси Вазирилар Кенга-ши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари бошчилигидаги комиссия-лар орқали очик танловлар асосида 17 миңдан ортиқ номзодлар орасидан иқтисодий ва инвестиция комплекслари-га кирувчи ташкилотлардан ҳамда фаол тадбиркорлар орасидан барча ҳудудлардаги ҳоким ёрдамчилари лаво-зимига 9 миң 309 нафар малакали му-тахассис саралаб, ишга қабул қилинди.

Ушбу тизимни тўғри йўлга қўйиш учун Республика комиссияси тузилди, ҳар бир ҳудудга 3 кишидан иборат ишчи гуруҳлар, туман (шаҳар)ларга камда биттадан Республика вакиллари бири-ктирилди.

Ҳоким ёрдамчилари фаолиятини са-марали ташкил этиш ва баҳолаб бориш

имконини берувчи ҳамда тегишли вази-рик ва идоралар маълумотлар базала-ри билан интеграция қилинган “Онлайн маҳалла” платформаси яратилиб, ишга туширилди.

“Онлайн маҳалла” платформаси тегишли 35 та давлат ташкилотининг маълумотлар базаси билан интегра-ция қилиниб, платформага ҳоким ёр-дамчилари томонидан маълумотларни киритиш ва таҳлил қилиш имконияти яратилди.

Мазкур дастурдан тўлақонли фойда-ланишни таъминлаш мақсадида ҳоким ёрдамчилари ва Республика вакиллари планшетлар билан таъминланди. Ҳо-ким ёрдамчиси бириктирилган маҳал-лани тўлиқ ўрганиши учун “хонадонбай” ўрганиш сўровномаси ва йилма жадвал шакли ҳамда ҳар бир маҳаллани иж-тимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича “йўл харитаси” ишлаб чиқилди.

**“ ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БАҲОЛАБ БОРИШ ИМКОНINI БЕРУВЧИ ҲАМДА ТЕГИШЛИ ВАЗИРИК ВА ИДОРАЛАР МАЪЛУМОТЛАР БАЗАЛАРИ БИЛАН ИНТЕГРАЦИЯ ҚИЛИНГАН “ОНЛАЙН МАҲАЛЛА” ПЛАТФОРМАСИ ЯРАТИЛИБ, ИШГА ТУШИРИЛДИ.**

Янги тизимнинг моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунириш ва янгилик-ларни тезкор етказиш, маҳаллалар-да кўтарилган масалаларни оператив ҳал этиш мақсадида расмий каналлар яратилди.

### Ҳаракатга яраша натижа

Маҳаллаларда янги лавозим ташкил этилганига қарийб бир йил бўляпти. Ўтган вақт мобайнида унинг ҳуқуқий асоси яратилди. Қадрлар шакллантирилди. Ишлар тизимли йўлга қўйилди. Ҳўш, натижа қан-дай? Янги лавозим эгалари ўз маҳалла-ларида қай даражада ўзгариш қила олди?

Шуларни аниқлаш мақсадида яқин-да уларнинг фаолиятини сарҳисоб қил-ди. Таҳлиллар ижобий ҳулоса беришга ундайди. Яъни жорий йилнинг 9 ойида ҳудудларда ҳоким ёрдамчилари то-монидан биринчи босқичда 6,9 миллион хонадон хатловдан ўтказилиб, улар



260 та маҳалла иссиқхона, 230 та маҳал-ла ҳўнармандчилик, 470 таси кичик ишлаб чиқариш, 2,2 миңтаси эса савдо ва хизмат кўрсатишга ихтисослашгани маълум бўлди.

Маҳаллаларнинг ихтисослашувидан келиб чиқиб, аҳолини барқарор даромад билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада 735 миң киши доимий ишга жойлаштирилди. 857 миң нафари ўзини ўзи банд қилган шахс си-фатида рўйхатга олинган бўлса, 74 миң нафари яқка тартибдаги тадбиркорликка ва 148 миң нафари ҳақ тўланадиган жа-моат ишларига жалб қилинди. 360 миң юрtdошимизга эса ижара асосида ер ажратилди.

ижтимоий-иқтисодий аҳволига кўра, 4 тоифага ажратиб олинди.

Хатлов натижасида 756 миңта хона-доннинг даромади камлиги ва меҳнат-га лаёқатли ишсиз аъзолари борлиги (11 фоиз), 3 миң 220 миңта оила доим-ий даромадга эга, лекин қўшимча да-ромад топиш истагида экани (47 фоиз), 430 миң хонадон ижтимоий химоя-га муҳтожлиги (6 фоиз) ҳамда 2 миң 458 миңта оиланинг яшаш шароити яхшилиги (36 фоиз) аниқланди.

Шунингдек, хатловда аҳолининг касб-ҳўнарга ўқиш, тадбиркорлик билан шуғулланиш, кредит олиш ва бошқа ис-таклари ҳам ўрганиб чиқилди. Ҳоким ёр-дамчиларига бу масалаларни ҳал этиш учун 2022 йилда жами 12,5 триллион сўм миқдорда молиявий манбалар шакл-лантирилган.

Шу билан бирга, 2,5 миңта маҳалла чорваччилик, 1,4 миңта маҳалла деҳқон-чилик, 800 та маҳалла боғдорчилик,

лойиҳага 7,2 триллион сўм имтиёзли кре-дит ҳамда 41 миңдан ортиқ ишчиларга 144 миллиард сўм субсидия ажратилди.

Шунингдек, 195 миң киши касб-ҳўнар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитил-ди. Хусусан, Навоий шаҳридаги “Саноат ўкув” нодавлат таълим муассасаси томо-нидан ҳоким ёрдамчилари йўлланмаси орқали 40 нафар юрtdошимиз бурғи-лаш қурилмаси машинисти ёрдамчиси, 25 нафари кран машинисти, 6 нафари экскаваторчи, 14 нафари геотехнологик қудуқлар оператори, 11 нафари лифт ташувчиси, 9 нафари автомобиль кран машинисти, 7 нафари автогидравлик кўтаргич машинисти ва 14 нафари кимё-вий таҳлил лаборанти йўналишларига ўқитилди.

Ҳоким ёрдамчилари томонидан шакл-лантирилган 44 миңдан ортиқ “маҳалла-бай” микролояҳаларнинг 29 миңтаси ишга туширилиб, 153 миңга яқин иш ўринлари яратилди. Масалан, Сурхон-дарё вилояти Шеробод туманидаги Тароқли маҳалласида яқка тартибдаги тадбиркор Шоҳида Ҳасанованинг жундан гилам тўқиш лойиҳаси асосида 30 киши ишли бўлди.

Яна бир эътиборга молик жиҳат, ўтган даврда фаолиятини самарали ташкил этган 78 нафар ҳоким ёрдамчиси юқори лавозимларга, шу жумладан, 2 нафари туман ҳокими ва 25 нафари ҳоким ўрин-босарлигига тайинланди.

Белгиланган вазифаларни янада самарали ташкил этиш мақсадида ҳо-ким ёрдамчилари томонидан барча йўналишларда яна 757 миң нафар фуқаро даромадли меҳнатга жалб эти-лади. Ижтимоий химоя ягона реестрга киритилган оилаларнинг иқтисодий ҳо-латини яхшилаш мақсадида улар билан манзилли ишлаш тизими жорий этила-ди. Аҳолига деҳқон ҳўжалигини ташкил этиш, узоқ муддатга ижарага берилган ер майдонларидан фойдаланиш ҳолатини ўрганиш, самарадорлигини таъминлаш учун аниқ чора-тадбирлар амалга оши-риб борилади.

Президентимизнинг 2022 йил 30 ав-густдаги “Норасмий бандлик улушини қисқартириш ҳамда меҳнат ресурслари балансини замонавий ёндашувлар асо-сида шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан, яна қў-шимча 100 миңдан ортиқ юрtdошимиз ўзини ўзи банд қилганлар сафига кири-тилади.

Таъкидлаш керакки, белгилаб олин-ган вазифалар ижроси учун барча имко-ниятлар яратилган. Амалга оширилаёт-ган бу каби ишлар Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мақсадларидан бири — мамлакатда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш орқали 2026 йил якумида қадар кам-бағалликни қисқартиришга қаратилган аҳамиятлидир.

### НУҚТАИ НАЗАР



# ХОМАШЁ СОТИШ БОЙИБ БЎЛМАЙДИ

**Энди тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган экспортчи ютади**



**Худойназар ЮНУСОВ,**  
**Самарқанд давлат ветеринария**  
**медицинаси, чорвачилик ва**  
**биотехнологиялар университети**  
**ректори, биология фанлари**  
**доктори, профессор**

Озиқ-овқат хавфсизлиги ҳар бир мамлакат иқтисодий сиёсатининг асосини ташкил этади. Давлат мустақил, барқарор ташқи ва ички сиёсат юритиши учун, аввало, аҳолининг барча қатлами-ни керакли ҳамда эҳтиёжга мос озиқ-овқат билан таъминлаши зарур.

Президентимиз 18 октябрь кунги аграр соҳада илм яқинида қўйилган натижалар ва келгуси йилдаги вазифалар юзасидан бўлиб ўтган йилги-лишда, жумладан, бундай деди: “Қишлоқ ҳўжали-ги масаласига алоҳида эътибор қаратиб, тез-тез муҳокама қилиб бораётганимиз бежиз эмас. Чунки бу иқтисодий тизимнинг турддан бир қисмини ташкил қиладиган муҳим соҳа. Бунинг замирида халқимиз фаровонлиги, нарх-наво барқарорлиги, қанча иш ўринлари ётибди”.

Мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалигини ривож-лантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилинган бўлиб, кенг кўламли иқтисодий ислохотлар натижасида аграр соҳада ижобий ўзгаришлар бўлгани ва бу жараён давом этаётганини эътироф этиш лозим. Жумладан, узоқ ўринишлардан сўнг пахта яққоқимчилигига барҳам берилди. Фалла етиштириш бўйича ҳам муайян натижаларга эришиб, импортга қарамлик-дан аста-секин қутуляпмиз. Кластер тизими ама-лиётга жорий этилмоқда, классик бошқарув усули

ўз ўрнини эркин бозор муносабатларига бўша-тиб бермоқда. Бу жараён эса аграр соҳада экспорт салоҳияти ошишига, жумладан, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида қайта ишловчи, хорижга хомашё эмас, тайёр маҳсулот экспорт қилувчи тармоқлар сони ортишига замин ҳозирламоқда.

Статистик маълумотларга кўра, бу йил мева-сабзавот экспорти 1,7 баробар ошиб, мамлакатим-изга 1,1 миллиард доллар даромад келтирган. Ҳалқачилиқда бозор механизмларига ўтилгани туфайли фермерлар даромади ҳам икки баробар ошган. Шунингдек, бўшаган ерларнинг аҳолига бў-либ берилиши хизмати бўлиб йил қўшимча би-ри миллион тоннадан зиёд озиқ-овқат маҳсулоти етишти-рилган.

Бу маълумотлар, албатта, кўнгилга хотиржам-лик бахш этади, аммо ҳозирги имкониятлари-ми билан янада юқори кўрсаткичларга эришсак бў-лади. Чунки мамлакатимиз иқлими ва табиий шароити қишлоқ ҳўжалигини рекорд даражада ривожлантириш имконини беради. Зеро, табиий иқлим шароитидан келиб чиқиб, экин майдонидан самарали фойдаланиб, йил давомида 2-3 марта ҳосил олиш мумкин.

Шунингдек, қаттиқ меҳнат ва катта харажатлар натижасида етиштирилган қишлоқ ҳўжалиги маҳ-сулотларини сотиш, аҳолига ўз вақтида, сифатли, ҳамёнбон нархларда етказиш, истеъмолдан ор-ганинни хорижга экспорт қилиш ҳамда ундан даро-мад олиш жараёни алоҳида механизм сифатида тўлиқ шаклланимоқда. Қолаверса, бу ишнинг уз-луқсизлигини таъминлаш иқтисодийни ҳаракатга келтирадиган асосий қўлчалардан бири эканини ҳи-سوبга олсак, имкониятимиз чегарасини аниқ чама-лай оламиз.

Хорижликлар мамлакатимизда етиштирилган деярли барча мевани сотиб олади. Экологик тоза, табиий шароитда етиштирилган, витаминга бой бу неъматларни фақат мева сифатида эмас, қай-та ишлаб, қадоқлаб, “Ўзбекистонда ишлаб чиқ-арилган” ёрлиги билан тайёр маҳсулот (шарбат, мураббо, қиём ва ҳоказо) қилиб ҳам жўнатиш им-конияти бор. Ҳар бир сифатли маҳсулотга, албатта,

харидор топилади. Деҳқон ва фермер ҳўжалик-лари раҳбарлари, тадбиркорлар бугун масаланинг шу жиҳатига эътибор қаратиши зарур. Кластер тизими бу мақсадимизнинг аниқ механизми ҳисоб-ланиб, юртимизнинг экспорт салоҳиятини янги ўзганга солади. Ўзбекистон энди хорижга фақат хомашё сотадиغان эмас, балки сифатли, тайёр, тан олинган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ва эҳтиёжидан ортганини экспорт қиладиган мамла-кат бўлишини тушунишимиз ҳамда ҳаракатлари-миз шунга асосланган бўлиши керак.

Давлатимиз раҳбари йилгилишда мева-сабза-вотни чуқур қайта ишлаш орқали қўшилган қий-матни бемалол 3-4 баробар ошириш мумкинлиги-ни таъкидлади. Мирзаобод, Денов, Паркент, Ўрта Чирчиқ, Урганч ва Кува туманларида ихтисослаш-ган озиқ-овқат саноат паркиларини ташкил қилиш бўйича топшириқ берилди.

Бугун юртимизда озиқ-овқат захиралари етар-лича жамланган. Нархлар устидан назорат қу-чайтирилган, маҳсулот етиштириш бўйича ком-плекс чоралар қўрилмоқда. Жаҳондаги мураккаб вазият сабабли халқаро экспертлар, социолог олимлар ва таҳлилчилар озиқ-овқат хавфсизлиги, аниқлиги, етишмовчилиги борасида турли таҳмин-ларни илгари сураётгани ҳам бор гап. Жаҳонда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг нархи ошиши қўйлаётгани ва бундай вазиятда, аввало, аҳоли талабини қондириш учун экспорт имкониятидан тўлиқ фойдаланиш кераклиги таъкидланмоқда. Биз, албатта, хориж тажрибасини таҳлил этишим-из ва шунга мос равишда стратегиямизни ҳам белгилаб олишимиз талаб этилмоқда.

Озиқ-овқат хавфсизлиги санитария-эпидемио-логик жиҳатдан ҳам ишончимизни оқлаши, юр-тимизга кириб келаётган ва чиқиб кетаётган озиқ-овқат маҳсулотлари сифати юқори бўлиши ҳамда инсонлар саломатлигига хавф солмаслиги қафо-латланиши зарур.

Биздаги муаммолардан яна бири — аккре-дитациядан ўтган махсус лабораториялар етишмас-лиги. Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича экспертиза лабораториялари жуда кам. Айнан озиқ-овқат

маҳсулотларининг кимёвий таркибини аниқ тек-ширадиган махсус лабораториялар йўқ ҳисоби.

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетида 11 турдаги ўкув ва илмий лаборатория фаолият қўрсатишда. Булар биотехнология, ҳайвонларни озиклантириш технологияси ва зоогиена, токсикология, ички юқумсиз касалликлар, физиология, патоморфология ихтисослашган лаборатория-лардир. Демак, лабораторияларни ҳудуд учун университетда ташкил этишимиз мумкин. Шунда тадбиркорлар маҳсулотини Тошкентга ёки бошқа опис ҳудудларга олиб бориб, текширтириб кели-шига зарурат қолмайди. Бу лабораторияларда талабалар, магистрлар ва тадқиқотчилар илмий ишларини олиб боради. Маҳсулотлар текширилади, стандартлар асосида сертификат берилди. Тадбиркорлар маҳсулотини исталган жойга олиб бориб сотади, экспорт қилади.

Университетимиз айти пайтда АҚШнинг Миннесота университети билан ҳамкорликда 2020–2023 йилларга мўлжалланган “Twining” да-стурини амалга оширмоқда. Хорижий экспертлар билан бу борада ҳамкорлиқни мувофиқлаштириш юзасидан бир неча музокара ўтказилди. Дастур-нинг асосий мақсади мамлакатимизда ветерина-рия таълимини Халқаро эпизоотик бюро талаблари асосида ташкил этиш, 5 йилликка мўлжалланган ўкув режа, малака талаблари ва фан дастурлари ишлаб чиқиш, университет профессор-ўқитувчилар-нинг мазкур таълим даргоҳида малака ошириш ҳамда таълим олишини йўлга қўйишдан иборат. Йил давомида бюро экспертлари мамлакатимизга келиб, дастур доирасида бажарилиши режалашти-рилган ишлар ҳусусида учрашувлар, мулоқотлар ўтказиш кўзда тутилган. Жорий йил бошида Вете-ринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда университет мутасаддиларидан иборат делегация Миннесота университетиде хиз-мат сафарига ҳам бўлиб қайди.

Энди университетда Халқаро эпизоотик бю-ронинг махсус кабинети ташкил этилади. Унинг таълим даргоҳида очилиши муҳим аҳамият

касб этади. Чунки бу мутахассислар тайёрлашда жаҳон стандартларига яқинлашиш, илгор тажриба-ларни оммалаштириш деганидир.

Шу йилнинг 14-15 октябрь кунлари универси-тетда “Ветеринария ва чорвачиликда инновацион технологияларни ишлаб чиқариш ҳамда жорий этишнинг истиқболдаги вазифалари” мавзусида халқаро илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Анжуманда Марказий Осиё ва Ҳамдустлик мамлакатлари ветеринария, чорвачилик, қишлоқ ҳўжалиги ва биотехнология соҳасининг етакчи олимлари, тадқиқотчилари иштирок этиди. Соҳада қўлланаётган инновацион технологиялар, эри-шилган ютуқлар ҳамда мавжуд муаммолар муҳо-кама қилинди.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, соҳадаги замона-вий профилактика ва даволаш усуллари ечимли озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, сифатли, экологик тоза маҳсулотлар етиштиришда муҳим роль ўйнайди. Университет ва унинг ҳамкорлари — олимлар, тадқиқотчилар бажараётган ишлар ана шу глобал масалани ижобий ҳал этишга хиз-мат қилади. Хорижий ОТМлар билан ҳамкорликда илгор тажрибалар оммалаштирилиши, масалалар бириктириб ҳал этилиши глобал озиқ-овқат хавф-сизлиги соҳасидagi муаммолар тобора ортиб бораётган бугунги кунда жуда зарур ва керакли жараён. Охириги йилларда пандемиянинг салбий оқибатлари натижасида юзага келган иқтисодий қийинчиликлар, маҳсулот ва товарларни “ишлаб чиқариш — етказиш” занжирининг узилиши, халқаро муносабатлар тизимининг кескин ўза-ришига сабаб бўлаётган геосийсий жараёнларда ҳар бир давлат ўз иқтисодий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда янги халқаро келишилган сай-ҳа-ракатларни ривожлантиришга киришиши муаммога яна бир ечим. Негаки муаммонинг мавжудлигини тан олиш уни бартароф этиш йўлидаги энг бирин-чи ва дастлабки қадамдир.



Ҳеч шубҳа йўқки, Шароф Рашидов номини ўзбек халқининг тарихидан, ҳаётдан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Шароф Рашидов ўз халқига ва Ватанига фидойи фарзанд эди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

# ЎЗ ХАЛҚИГА ВА ВАТАНИГА ФИДОЙИ ФАРЗАНД

## Тошкент Фотосуратлар уйида “Шароф Рашидов — сиёсатчи ва дипломат” кўргазмаси давом этмоқда

Ҳа, Ўзбекистон тарихи саҳифаларида ёрқин из қолдирган, гоёт мураккаб сиёсий вазиятда ҳам ўзига хос йўл тутиб, юртимизни Марказий Осиёнинг етакчи давлатига айлантира олган Шароф Рашидов чинакам юрт фидоисий эди. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 27 мартдаги “Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори билан ўша йили у туғилган сана байрамга айлланиб кетди. Жиззах шаҳрида Шароф Рашидов мемориал музейи ташкил қилиниб, хотира ёдгорлиги ўрнатилди.

Жамғарма раиси ўринбосари Камол Мўминов. — Суратларни қатор архивлардан излаб топдик. Баъзи расмлар ўзимизда бор бўлса-да, тарихи номаълум эди. Шунинг учун улар билан боғлиқ ҳужжатларни ҳам қидирдик. Айниқса, ёш ходимларимиз суратларнинг қачон, қаерда олинганига аниқлик киритишда фаоллик кўрсатди. Кўргазмага фақат Ўзбекистондаги эмас, Россиядаги ва шахсий архивлардан топилган 78 та фотосурат қўйилди. Аслида, базамизда мингдан зиёд расм бор. Насиб қилса, мутасаддилар, академиклар, нурунийлар ёрдамида уларга ҳам аниқлик киритамиз. Мақсадимиз — Ўзбекистонда ўз вақтида шундай раҳбар бўлганини ёшларга аниқлаштириш.

Тадбирда тарихчи олимлар, сиёсатшунослар, Шароф Рашидов номидаги халқаро жамоат жамғармаси мутахассислари, шунингдек, у кишининг сулоласи вакиллари ўз маърузалари, хотиралари билан иштирок этди.

Кўргазма доирасида ташкил этилган конференцияда маъруза қилганлар Ўзбекистон дипломатияси ривожига жуда катта ҳисса қўшган Ш.Рашидовнинг тажрибаси, сиёсий фаолиятини чуқур ўрганиш бугуннинг дипломатлари учун ҳам гоёт муҳимлигини алоҳида таъкидлади.

Фотокўргазма давомида Россия компанияларидан бири билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган “Давлат арбоби ва ёзувчи Ш.Рашидовнинг интерактив онлайн музейи” лойиҳасининг айрим қисмлари намойиш этилди. Халқаро танловлар муқофотларига сазовор бўлган виртуал музей экспозицияси Шароф Рашидовнинг ҳаёти, республикамиз тараққиётига қўшган ҳиссаси тўғрисида ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган нодир саҳифалари билан аҳамиятли.

\*\*\*

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Муқаддас Абдусаматованинг Шароф Рашидов билан боғлиқ хотиралари унинг матбуотга нечоғлиқ эътиборли бўлганидан сўзлайди: — Ушунда анчагина нуфузга эга бўлган ёшлар газетасининг (ҳозирги “Ёшлар овози”) ярим асрлик байрамга қизғин тайёргарлик авжига чиққан бир палла эди, — дея хотирлайди Муқаддас опа. —



Газета юбилейни муносиб ўтказиш учун республика раҳбарияти барча имкониятларни яратиб, катта эътибор бераётганини биз, ходимлар ҳам чуқур ҳис қилиб турадик. Кунларнинг бирида кутилмаганда тахририятимизга Шароф Рашидов келиши тўғрисида хушxabар тарқалди.

Газетамиз ўша пайтларда янги қурилган 16 қаватли (ҳозир Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА жойлашган) тахририятлар биносининг 13-қаватида фаолият юритар эди. Республика раҳбари масъул кишилар ҳамроҳлигида тахририятга кириб келди. Булимларни кўздан кечириб, ходимлар билан суҳбатлашди. Сўнг барчамиз муҳарриримиз хонасига тўлпандик. Шароф ака дастлаб бизни бўлажак

тўй билан кутлади. Кейин газета олдида турган ва-зифалар ҳақида гапирди. Унинг: “Хоналарни эҳтиёт қилиб сақланглар, улар узоқ йиллар журналистларга хизмат қилади. Бу бино жуда катта маблагга қурилган”, деганича бор эди. Бино ўша пайтда Марказий Осиё давлатлари ичиде ягона бўлган. Бошқа бирор республикада журналистлар учун бундай қулай шароит йўқ эди.

Қисқа, ammo сермазмун учрашув тугаб, ҳамма ўрнидан турди. Шунда фотомуҳбиримиз Вульф Сироткин Шароф Рашидовдан эсдалик учун суратга тушишни илтимос қилди. Мен чеккароқда турган эдим, Шароф ака:

— Енимга келинг, қизим, — дея илтифот кўрсатди. Ийманибгина бордим. Сира едимдан чиқмайди, коф-тининг ёқиси қайрилиб қолган экан. Тўғрилаб қўйди. Меҳрим янада товланди. Унг тарафида камина, чап тарафида муҳаррир. Қолганлар ҳам қатор тизилди. Шундай қилиб, газета ижодкорлари Шароф Рашидовдек буюк дарга билан биргаликда суратга тушиш бахтига муяссар бўлдик. Ўшим етмишдан ошган бўлса-да, ҳар гал 1975 йилда юбилейга чиқарилган буклетдаги ўша суратга боқиб, ўз аксимни йирик давлат арбоби ва адиб билан ёнма-ён кўрганимда, кўнглим ифтихорга тўлади.

Шароф аканинг тахририятимизга ташрифи нафақат ёшлар матбуотида, балки республикада йигит-қизларга катта ғамхўрлик ва эътибордан далолат эди. Бугун Шароф Рашидовдек буюк сиймо ва давлат арбобининг 105 йиллик арафасида ўша тасвирга боқарканман, тахририятдаги учрашувни эслаб, ҳатто бир оз ёшаргандек ҳам бўлдим.

\*\*\*

Шароф Рашидовнинг ҳаёт йўли минглаб хайрли ишлар, эзуликлар, қаҳрамонликларга тўла. Унинг ўзи “Ғолиблар” романида ёзган “Яшаётганимдек яшагин... Ҳормай-толмай меҳнат қил. Сенга топширилган ишга бор кучингни сафарбар эт. Мана шунинг ўзи сенинг ҳар кунни содир этаятган қаҳрамонлигиндир”, каби оташин жумалар бугун ҳам биримизга қарата айтилаётгандек гўё...

Муножат Мўминова,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Жиззах вилоятидаги туман, Тошкент ва Жиззах шаҳарларида кўчалар, мактаблар, маҳаллаларга унинг номи берилди. Тошкентда янги очилаётган метро станцияларидан бирига Шароф Рашидов номи берилиши кутилаётгани ҳам унинг хотирасини абадийлаштиришнинг амалдаги ифодасидир. Бу йил таваллудига 105 йил тўлган давлат ва жамоат арбоби халқимизнинг севимли фарзандига айланган. Шундай экан, Ўзбекистонни қарийб чорак аср бошқарган Шароф Рашидовни бугунги авлод — эртамиз эгалари ҳам, албатта, билиши керак. Халқларвар раҳбар, санъат, маданият фидоисининг ҳаёт йўли ёшларимизга ибрат мактаби бўлиб хизмат қилмоғи лозим.

Шароф Рашидов номидаги халқаро жамоат жамғармаси, Ўзбекистон Бадий академияси ва Тошкент Фотосуратлар уйи билан ҳамкорликда ўтказилаётган “Шароф Рашидов — сиёсатчи ва дипломат” фотокўргазмасининг мақсади ҳам шу, аслида.

8 ноябрга қадар давом этадиган фотокўргазма Шароф Рашидовнинг ташки сиёсий фаолиятига бағишланган. Ундан, асосан, “учинчи дунё” давлатларида расмий ташрифлар ва хорижий сафарлар чоғида олинган 80 га яқин нодир суратлар ўрин олган. 1950 йилдан 1983 йилгача бўлган даврда 30 дан зиёд давлатта сафарлари акс эттирган суратлар муҳим воқеалардан сўзлайди.

— Кўргазмага тахминан 3 йил тайёргарлик кўрдик, — дейди Ш.Рашидов номидаги халқаро жамоат



### МУҚАДДАС МАНЗИЛЛАР



Жовли ХУШБОҚ,  
журналист

Бойсун тоғлари ортимида қолиши билан-юк интернетдан ангиларни билиш мақсадида телефонимни титқилай бошладим ва қуйидаги хабарга кўзим тушди: “Бойсун туманидаги Бойбулоқ, Вишневский, Хўжа гур-гур ота, Қоронги юлдуз горлари россиялик экспедиция раҳбари Вадим Логинов томонидан жорий йилда ҳам ўрганилмоқда”.

Бойбулоқ горига бориш учун туман марказидан тахминан олтимиш беш километр тоғ йўлини транспортда, кейин эса энг сўнгги қишлоқ — Деҳиболога бориб, олти-етти соат пийда ёки эшақда юриш лозим бўлади. Қишлоқ денгиз сатҳидан уч минг метр баландликда жойлашган.

Бойбулоқ атрофида яна шунга ўхшаш бир неча гор мавжуд. Улар орасида энг машҳурлари Хўжа гур-гур ота, Вишневский ва Бойбулоқ. Айримлар Бойбулоқ горини ер ости Жомолунгмаси деб таърифлайди. Экспедиция раҳбари Вадим Логинов томонидан Бойбулоқ ва Вишневский горлари туташ қисмини ўрганиш режалаштирилган. Икки горнинг туташшига атиги етмиш метр масофа қолмоқда. Бойбулоқда аниқланган гор йўллари саккиз километрни, чуқурлиги эса 1430 метрни ташкил этади. Вишневский горининг кириш қисмидан якунига қадар бормоқчи бўлган киши уч кечаю уч кундуз, яъни етмиш икки соат вақт сарфлайди. Қайтишга ҳам шунча вақт кетади.

Бугунги кунда мазкур икки гор ўзаро туташши натижасида жаҳондаги энг чуқур

# МОЗИЙНИНГ СИРЛИ АКС-САДОЛАРИ

Қадим Сурхон тупроғига қадам қўйишимиз биланоқ Бойсуннинг кўкка буй чўзган минораларини кўхна ёдгорликлари кўзга ташланди. Тешиктош ҳамда Амир Темур горларига саёхат қилишни ихтиёр этган хорижлик ҳамкасбимиз Акбар аканинг ҳайратдан ёқа ушлаганини кўриб, қалбим фахр ва ғурурга тўлди.

горлар рўйхати учлигидан ўрин олиши мумкин. Айни пайтда Бойбулоқ жаҳондаги ўттизта энг катта гор рўйхатига кирган.

— Юртингизнинг шу кунлардаги шуҳрати беҳиз эмас экан, — деди хорижлик ҳамкасбим ҳаяжонланиб. — Мана, ҳозир биз кўрган тарихий обидалару йўлаб ёдгорликлар ўтмишда ҳам Сурхон воҳаси Мовароуннахрнинг энг кўркам ва тараққий этган жойларидан бири бўлганидан далолат беради.

Сурхондарёнинг Хатак горига неандертал одамнинг яна бир макони аниқланди. Шеробод туманида жойлашган Сурхон давлат кўриқхонаси Хатак бўлими Боғлидар массивида 2021 йилда археологлар томонидан миллоддан аввалги 100-40 минг йилликка оид неандертал одам макони топилиб, жорий йилнинг июнь ойидан кенг кўламли қазииш ишлари бошлаб юборилди.

Горнинг фан учун аҳамияти шундаки, Сурхондарё вилоятининг нафақат тоғли Бойсун, балки Шеробод тумани ҳам илк инсонлар макони бўлгани ўз исботини топди. Ўзбекистон Фанлар академияси Миллий археология маркази ҳамда Австралиянинг Гриффет университети ходимлари томонидан қазимиш ишлари давом эттирилмоқда.

Ҳамроҳимиз бир дунё таассуротлардан энтика бошлади:

— Жаҳондаги машҳур археолог олимларни бу жойларга сафарбар этиш керак! — дейди у.

— Агар Шерободнинг Қизилполма қишлоғи яқинидаги Зараутсойга борсангиз, ҳали олам тилсимлари инсоният томонидан етарли даражада очилмаганига ғувоҳ бўласиз, — деди яна бир ҳамроҳимиз, тарихчи олим Хусан Холмуминов бизни кунчиқар тарафдаги даштликларга бошлар экан. — Зараутсойдаги қадимий суратлар мозийда ҳам аждодларимиз истеъдодли ва таъсирли санъатни севадиган халқ бўлганини аниқлатади.

Тошкент — Термиз магистрал йўлидан елдек учиб бораётган машинамиз бирпасда яна бир тарихий обида яқинига келди.

— Жаркўтон ёдгорлиги ҳақида турли фаразлар, ҳикоя ва тахминлар борлигини биласизми? — деди профессор Сайфулла Турсунов суҳбатимиз оловига ўтин қалар экан. — Археолог олимлар шу ерда миллоддан аввалги XV асрда илк шаҳар пайдо бўлганини аниқлаган. Бу жойдан олов ибодатхонаси, уч мингтага яқин қабр топилиганини ўзиёқ унинг нечоғли ноёб эканини аниқлатади. Ёдгорлик ўз гектардан зиёд майдонни эгаллайди. Жаркўтон



қалъаси деворининг қалинлиги беш метрни ташкил этади. Шеробод ҳудудида қадимда хунарманлик ривожланганини аниқлаш учун қўлаб турли ашёлар топилгани илмий тадқиқотлар учун буй манбадир.

Жаркўтон ва Сополитена ёдгорликларида илмий текшириш қилган академик Аҳмадали Асқаровнинг ниҳоятда катта ва сермахсул хизматларини унутиб бўладими? Бир вақтлар япониялик Като, франциялик машҳур олимлару россиялик тадқиқотчилар, мана энди австралияликлар... Бутун дунё юртимизга юз тутмоқда.

Янги маълумотлар зардуштийлик дини, унинг муқаддас китоби “Авесто” Мовароуннахрда, яъни Бактрияда, табиийки, Фарғона водийси ва Хоразмга тегишли жойларда кутрак ёзиб, илдиз отганига шубҳа қолдирмайди!

Тасмадек чўзилган, теп-текис йўл сизни Бойсун тоғлари тарафга олиб боради. Атрофдаги кўхна ўнгириллар, тик қоялар ва описда оппоқ қордан салла ўраган чўқилар қалбингизда ажиб ҳиссийатлар уйғотади. Кекса тоғлар бағрида инсониятнинг қанчадан-қанча сир-асрори яширин эканига ғувоҳ бўласиз. Гоҳида қушларнинг пир этиб учини хаёлингни олиб қочади. Ўйлар кўнундан халос бўла олмайсиз. Бу тоғлар неча юз минглаб йиллар шамолига дош берганини ҳис эта бўлайсиз ва бир зумда миллионлаб инсоннинг эътиборини тортган ва ҳайратга солган Мачай горига етиб келганингизни сезмай қоласиз.

— Бу гор мезолит, яъни урта тош даврининг йирик ёдгорлиги ҳисобланади, — дейди профессор Эшболта Қобилов. —

Анави сиз кўриб турган Мачай сойининг юқори қисмидан ўрин олган горда қадимда балқичилар ҳамда овчилар яшаган. Илмий тадқиқотлар бу тарихий ёдгорлик мезолит даврига оидлигини кўрсатган.

— Мен Абу Исо Муҳаммад Термизий макбараси яқинидаги қишлоқда яшайман, — дейди таниқли олим Панжи Хўшбоқов бизни тарихий ёдгорлик тарафга бошлар экан. — Имом Термизийнинг туғилган вақти миллодий 824 йилдир. Таваллуд топан жойи эса маҳалламизга жуда яқин Буғ қишлоғи. Илк устозлари Ироқ алломулари Хуросон шайхларидир. Имом Букhariдан ҳам сабоқ олган. Умрининг кўп қисмини Термизда ўтказган. Имом Термизий миллодий 892 йилда оламдан ўтган. Мана, сиз кўриб турган макбара эса вафотидан сўнг бир ярим аср ўтиб қад ростлаган. Ёшлик йилларини Имом Термизий макбарасига яқин ерда ўтгани учун яқши биланаман — шўролар замонида бу жойлар қаровсиз ахволда эди. Энди юксак дид билан қайта таъмирланган ёдгорлик ансамблини кўриб, қалбингиз қувончдан ҳаприкиб кетади. Дилингизда аждодлар маҳобати ва шуҳратидан ғурурланиш, ифтихор ҳислари жўш уради.

Шерободу Бойсуннинг тоғолди гўшаларида замонавий инфратузилмалар, меҳмонхоналару чет элликлар учун хизмат турлари етарли эмас? Биз ҳамон рекламага унчалик аҳамият бермаётганимиздан юрагинг ачишиб кетади. Тавба, Сурхон воҳасининг қадимий ва сирли гўшалари қайси Швейцария табиатию гўзаллигидан кам?

Термиз археология музейи экспонатларию мозийга доир ашёларини кун буйи томоша қилсангиз ҳам кам. Халқимизнинг миллоддан неча минг йиллар аввалги ҳаётдан сўзловчи бу тилсиз маънавий обидаларга термулар экансиз, ҳали археолог, антрополог олимлар учун қанчалик кўп манба, бебаҳо хазина тилсимларни очилмасдан қолиб келаётганини ҳис этасиз. Эҳтимол, янги ўнлаб монографиялар яратиб, илмий тадқиқотлар қилиш ва ҳулосалар бериш зарурдир?

Қадимда буюк бўлган давлатлар, империялар ҳозир ҳам, келажакда ҳам ўз салоҳиятию дунёвий шуҳратини йўқотмаслигига ишонинг келади. Буёи шарқда Хитойда, жанубда эса Термиздан то Хиндистонгача чўзилиши режалаштирилган аксури қишлоқлари — қудратли мамлакатларни боғловчи темир йўллар бунёд этилиши мўлжалланётгани ҳам беҳиз эмас. Бир вақтлар Бактрия, Қушон, Чағонён, кейинчалик эса Мовароуннахр номи билан машҳур бўлган юртимиз, жумладан, Сурхон воҳаси ва унинг атрофида яшаган аждодларимиз қадимда Хитой, Рим, Хиндистон каби кўхна мамлакатлар билан савдо-сотик қилгани тарихий манбаларда битилган. Энди бу аъналарни янгича рўйда давом этажак.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДУК

МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуриндаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1164. 81039 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нарҳда. “ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Дилшод Улғумуродов  
Мусахҳис: Малохат Миллобеева  
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилими:  
100029, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй